

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**431 Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш маркази  
фаолиятини таъминлашга доир қўшимча чора-тад-  
бирлар тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 13 августдаги 170-сон қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасидаги 2007 йил 28 декабрдаги Битимга мувофиқ ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 360 ўқувчи ўрнига ва 100 ўринли ётоқхонага эга бўлган Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказининг қурилиши тугалланганлиги ва фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Марказнинг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Марказда касб-хунарга ўқитилганлиги тўғрисидаги диплом ва қисқа муддатли курсларни ўтаганлиги тўғрисидаги сертификатнинг давлат намуналари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг:

Марказнинг ўқитувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг лавозим маошларига аниқ миқдори Марказ раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланадиган, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига 70 фоизгача миқдорда доимий устама белгилаш тўғрисидаги;

пулли қисқа муддатли курслар ташкил этишдан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар ҳисобига шакллантириладиган Марказни моддий-техник ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Марказнинг раҳбарлари, ўқитувчилари, усталари ва бошқа ходимларига касб-хунар коллежларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган базавий тариф ставкалари жорий этилади;

белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган ўқувчиларга бевосита Марказда бепул ўқиган даврида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар ҳисобига қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдориди, бироқ 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга стипендия тўланади;

ташкилотлар ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида уларга ишлаб чиқариш амалиёти дастурларига мувофиқ уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини таъминлайдиган ҳақ тўланадиган иш жойлари тақдим этиш ҳуқуқига эга.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги икки ҳафта муддатда Марказ уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин ҳамда:

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан келишган ҳолда Ўқувчиларни 1 йилгача муддатга бепул ўқитишга қабул қилиш ва уларни қайта тайёрлаш ҳамда кириш малака имтиҳонлари (тестлари)ни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин, бунда қабул ўқиётганларни ишга жойлаштиришни кафолатловчи уч томонлама (иш берувчи, туман (шаҳар) банд-

ликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, жисмоний шахс) шартнома мавжуд бўлганда, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари йўлланмаси бўйича танлов асосида амалга оширилиши назарда тутилсин;

Ривожлантириш жамғармасига йўналтириладиган даромад нормативини белгилашни ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатли ўқитиш бўйича пулли хизматларнинг қийматини шакллантириш методикасини аниқлашни назарда тутувчи Марказнинг моддий-техникани ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомни;

ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими таълим муассасалари учун белгиланган педагогик ва ўқув ишлаб чиқариш нормаларидан келиб чиққан ҳолда Марказнинг штат жадвалини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буюртманомалари бўйича Марказ ишида қатнашадиган корейс мутахассисларига кўп марталиқ кириш визалари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буюртманомалари бўйича Марказ ишида қатнашадиган корейс мутахассисларига белгиланган тартибда кўп марталиқ кириш визалари берилиши ва уларнинг муддати узайтирилиши, шунингдек уларнинг вақтинчалиқ яшаш жойларида вақтинча пропискага қўйилиши ва вақтинча прописка муддати узайтирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги белгиланган тартибда корейс мутахассисларини Марказда ишлашга жалб этишга рухсатномалар берилишини таъминласин.


9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 13 сентябрь,  
270-сон

**Тошкент шаҳридаги Касб-ҳунарга ўқитиш марказининг  
Т У З И Л М А С И**



Ходимларнинг умумий сони — 32 киши, улардан бошқарув ходимлари — 7 киши.

\* Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

431-модда

— 30 —

37 (537)-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 13 сентябрдаги 270-сон қарорига  
2-ИЛОВА

Ташқи кўриниши

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Герби**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КАСБ-ҲУНАРГА**  
**ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

**ДИПЛОМ**

Ички томони

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Герби**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

**ДИПЛОМ**

**L № 000000**

---

(фамилияси, исми, отасининг исми)

20\_\_ йилда \_\_\_\_\_ мута-  
хассислиги бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тўлиқ курсини тамомлади.

Марказ аттестация комиссиясининг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги № \_\_\_\_\_  
қарорига бўйича \_\_\_\_\_га

---

(фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ мутахассислиги берилди.

*М.Ў. Аттестация комиссиясининг раиси*

*Директор*

*Тошкент шаҳри 20\_\_ йил*

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

Ўзбекистон Республикаси  
Герби

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

**I № \_\_\_\_\_ ДИПЛОМГА ИЛОВА**

(дипломсиз хақиқий эмас)

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, отасининг исми)

20\_\_ йилдан 20\_\_ йилгача даврда Тошкент шаҳридаги Касб-ҳунар-га ўқитиш марказида \_\_\_\_\_ мутахассислиги бўйича ўқиди.

Ўқиш жараёнида қуйидаги фанларни ўқиди ва қуйидаги баҳоларни олди:

Т/р	Фанлар номи	Ўқув режаси бўйича белгиланган соатлар сони	Олинган рейтинг бали
<b>I. УМУМИЙ ФАНЛАР</b>			
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			
7.			
8.			
9.			
10.			

**II. МАХСУС ФАНЛАР**

1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			
7.			
8.			
9.			
10.			

Т/р	Фанлар номи	Ўқув режаси бўйича белгиланган соатлар сони	Олинган рейтинг бали
<b>III. ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ</b>			
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			

Директор

Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

37 (537)-сон

— 33 —

431-модда

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 13 сентябрдаги 270-сон қарорига  
3-ИЛОВА

Ташқи кўриниши

**Ўзбекистон Республикаси  
Герби**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КАСБ-ҲУНАРГА  
ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

**СЕРТИФИКАТ**

Ички томони

**Ўзбекистон Республикаси  
Герби**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

**СЕРТИФИКАТ**

**L № 000000**

---

(фамилияси, исми, отасининг исми)

20\_\_ йилда \_\_\_\_\_

мутахассислиги бўйича \_\_\_\_\_

(кетишдан олдин тайёрлаш ва мослаштириш / киска муддатли ўқиш)

\_\_\_\_\_ курсини тамомлади.

*М.Ў.*

*Директор*

*Директорнинг ўқув ишлари  
бўйича ўринбосари*

*Тошкент шаҳри, 20\_\_ йил*

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

[www.lex.uz](http://www.lex.uz)